

ИНВЕСТИЦИЯ, ЭКСПОРТ ВА САНОАТ СОҲАЛАРИДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 январь куни 2024 йилда инвестиция, экспорт ва саноат соҳаларидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадлари 4 минг долларга етказиш мақсади белгиланган. Бунга фақат ички бозор билан эришиб бўлмайди, асосийси — хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш ва экспортни кўпайтириш зарур.

Танқидий руҳда ўтган йиғилиш аввалида ушбу соҳалардаги ишлар ҳолати, мутасаддиларнинг фаолияти кўриб чиқилди.

Сўнги олти йилда юртимизга хориждан қарийб 50 миллиард доллар инвестиция кирган. Ўтган йили ялпи ички маҳсулот ҳам, саноат ҳам 6 фоизга ўсган.

Бироқ товарлар экспортида ўсиш бўлмаган. Мамлакатимиз сертификатларини тан олиш бўйича хорижий шериклар билан ишлар лозим даражада ташкил этилмаган. Халқаро молия ташкилотлари иштирокидаги 480 миллион долларлик 5 та лойиҳа бўйича ўзлаштириш бошланмаган. Худудларда молиялаштирилиши тўлиқ яқунланган 8 триллион сўмлик қарийб мингта лойиҳа ҳалигача ишга тушмаган.

Фаолиятида сусткашликка йўл қўйгани учун инвестициялар, саноат ва савдо вазири ўринбосари Б.Абидов, Техник тартибга солиш агентлиги директори Д.Саттаров, Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги директори М.Мирзаев лавозимидан озод қилинди. Яна бир қатор раҳбарларга интизомий чоралар кўрилиши айтилди.

Умуман, инвестиция комплексига кирувчи барча вазир ва ҳоким ўринбосарлари фаолиятига самарадорлик кўрсаткичлари (КРИ) жорий этилиши белгиланди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари соҳадаги камчиликларни аниқ таҳлиллар асосида кўрсатиб ўтди.

Масалан, ўтган йили 2 та драйвер тармоқ ва 4 та худудда 2022 йилга нисбатан экспорт ҳажмлари камайган. Экспортнинг 50 фоизи ҳанузгача 4 та бозорга тўғри келмоқда. Ёки хорижга товарларнинг учдан бир қисми

хомашё сифатида сотилмоқда.

Ўзбекистон “GSP+” тизимига қўшилиб, Европага 6 минг 200 турдаги товарларни божсиз олиб кириш имкониятига эга бўлса-да, ўтган йили бу тизим доирасида бор-йўғи 384 турдаги товарлар экспорт қилинган. Мева-сабзавот экспорти учун хорижий давлатларнинг фитосанитар рухсатлари олинганига қарамадан, бундан тўлиқ фойдаланилмаган.

Аслида, мамлакатимиз иқтисодиётини янги босқичга олиб чиқиш учун экспортни йилига камида 30 фоизга ошириб бориш зарур.

Президентимиз бу борадаги муҳим вазифаларга тўхталиб, тузилмавий ислохотларни маълум қилди.

Хусусан, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг тизими, иш услуби ва ёндашувлари тўлиқ ўзгаради. У янги салоҳиятли бозорлар топиш, экспортбоп маҳсулотлар экилишини ташкиллаштиришга ҳам масъул бўлади.

Сўнги йилларда мева-сабзавот ва озиқ-овқат экспортида талаб этиладиган барча сертификат ва рухсатномалар тўлиқ рақамлаштирилди. Лекин ҳалигача чегарада бу жараён тўрт идора томонидан назорат қилинапти. Шу боис, чегарадаги барча назорат функциялари Божхона кўмитасига ўтказилиши белгиланди.

Кўплаб корхоналаримиз халқаро сертификати йўқлиги учун глобал логистика занжирларида қўшила олмаяпти. Иқтисодиётнинг драйвер соҳаларида халқаро стандартларни жорий қилиш даражаси 35 фоизга ҳам етмайди.

Шунинг учун Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги фаолияти тўлиқ ислоҳ қилиниб, Ҳукумат таркибига ўтказилади. Мутасаддиларга корхоналарда халқаро сифат тизимларини жорий этиш, сифати кафолатланган маҳсулотлар турини кўпайтириш, салоҳиятли давлатлар билан миллий сертификатни икки томонлама тан олиш бўйича келишувларга эришиш вазифаси қўйилди.

Экспортни кредитлашга 200 миллион доллар ресурс берилган. Бундан ташқари, бу йил экспортёрларни қўллаб-қувватлашга 800 миллиард сўм йўналтирилмоқда. Лекин берилган маблағлар, ҳар доим ҳам, қўшилган қийматли маҳсулот ва экспорт манбаига айланмаяпти.

Шу боис энди экспортни қўл-

лаб-қувватлаш тизими ҳам ўзгаради. Экспортни рағбатлантириш агентлиги, Жаҳон савдо ташкилоти талаблари асосида, Савдони ривожлантириш компанияси сифатида қайта ташкил этилади. Бу компания берадиган субсидия, кредит ва ёрдамлар янги рейтинг асосида, энг аввало, юқори қўшилган қийматли маҳсулот билан янги бозорларга чиқаётган экспортчиларга ажратилади.

Маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга етказишда ишончли логистика занжирларини ташкил қилиш, минтақавий ва йирик халқаро лойиҳаларни жадаллаштириш, товарларни божхона режимида қайта ишлашни кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда инвестициялар самардорлиги ва галдаги режалар ҳам муҳокама қилинди.

Сўнги олти йилда мамлакатимиз саноатига жалб қилинган инвестициялар ҳажми 7 баробар ошган. Ёки сўнги уч йилда хориждан 14 миллиард долларлик асбоб-ускуналар олиб келинган.

Лекин саноат кўрсаткичлари, яратилган иш ўрни ва қўшилган қиймат шунга яраша олмаган. Қатор худуд ва тармоқларда ишга туширилган корхона ва ускуналар экспорт натижасига таъсир кўрсатмаган. Лойиҳалар самарадорлиги устидан етарли назорат олиб борилмаётгани танқид қилинди ва мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Ўтган йили балиқчилик, паррандчилик, заргарлик, асаларичилик ва ипакчилик тармоқларида, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида, шунингдек, 12 та туман ва шаҳарда инвестициялар ҳажми нисбатан камайган. Айрим вилоятларда хорижий ташрифлар ва халқаро кўрсаткичлар чоғида келишилган инвестиция лойиҳаларининг ижроси суст.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига бу лойиҳаларни алоҳида назоратга олиб, жадаллаштириш бўйича кўрсатма берилди.

Йиғилишдаги яна бир мавзу саноат ишлаб чиқаришини кўпайтириш ҳақида бўлди.

Бунинг учун юртимизда 24 та маҳсулоти иқтисодий зона ташкил қилинган. Уларга соддалашган тартибда ер ажратилиши, солиқдан имтиёзлар белгиланган. Лекин бу имкониятдан тўлиқ фойдаланилмамаяпти. Масалан,

республика бўйича бундай худудларнинг тайёр инфратузилмага эга 800 гектар майдони бўш турибди.

Шу боис иқтисодий зоналарни ривожлантириш бўйича янги тажриба амалга оширилиши белгиланди. Хусусан, Бухоро, Навоий ва Тошкент вилоятидаги маҳсулоти саноат зоналарининг 240 гектар майдони хорижий компанияларга аутсорсинг асосида бошқарувга берилди.

Жорий йилда маҳсулоти иқтисодий худудларда 309 та йирик лойиҳани амалга ошириб, 40 мингта иш жойи яратиш мумкинлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллийлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Вазирлар Маҳкамасига худудларда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш дастурини қабул қилиш вазифаси қўйилди. Жумладан, талаб юқори бўлган 25 турдаги озиқ-овқат маҳсулотини юртимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, озиқ-овқат корхоналарида халқаро стандартларни жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Бундай имкониятлар чарм саноатида ҳам бор. Масалан, аҳолимизда автомобиль уриндиги жиддари, спорт буюмлари, пойабзал ва аёллар сумкасига талаб кўп. Шундан келиб чиқиб, тармоқ раҳбарларига худудларда лойиҳаларни шакллантириш топширилди.

Маҳаллийлаштириш фақат товарлар эмас, хизматларда ҳам бўлиши керак. Хусусан, охириги беш йилда энергетика, нефть-газ ва металлургия соҳаларида катта заводлар ишга тушди. Бундай мажмуалардаги юқори технологик ускуналарни эксплуатация қилиш ва таъмирлаш бўйича малакали хизматларга талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Шуни инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамасига йирик корхоналарга сервис хизмати кўрсатишда маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш бўйича вазифа қўйилди.

— Ҳар бир раҳбар фидойи бўлиб, ватани ва халқини севиб, тизими билан бирга ўз вазифаларини виждонан бажарса, биз қўяётган марраларга албатта эришса бўлади, — деди Президент.

Йиғилиш якунида инвестиция комплекси раҳбарлари, вазирлар ва ҳокимлар жорий йилдаги режалари бўйича ахборот берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

2023 йил 20 ноябрь № 32 Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг фуқаролик ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчиликка ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан, шунингдек, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини бир хилда қўллаш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг фуқаролик ишлари бўйича қуйидаги қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Суд амалиётида фуқаро

ва ташкилотларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида» 1992 йил 19 июндаги 5-сонли қарори:

(Давоми 3-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

2023 йил 20 ноябрь № 33 Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан ҳамда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини бир хилда қўллаш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ва Олий хўжалик суди Пленумининг “Суд ҳокимияти тўғрисида” 1996 йил 20 декабрдаги 1/60-сонли қарори:

1-бандининг иккинчи хат-боши қуйидаги тахрирда баён этилсин:
“Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 138-моддасига мувофиқ суд ҳокимиятининг ҳужжатлари барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар учун мажбурийдир”;

(Давоми 4-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

2023 йил 20 ноябрь № 34 Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг маъмурий ишлар бўйича айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан, шунингдек, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини бир хилда қўллаш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Маъмурий ишларни

кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2018 йил 19 майдаги 15-сон қарори:

(Давоми 5-бетда) ►

Тарих тилсимлари

Нил дарёсини ўлчаган олим

ёхуд Аҳмад ал-Фарғоний кашфиётлари

Ўрта асрларда яшаган машҳур олимлар орасида буюк ватандошимиз астроном, математик ва географ ал-Фарғоний салмоқли ўрин эгаллайди.



(Давоми 6-бетда) ►

Моҳият

Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослиги

уларни текшириш тартиби такомиллаштирилди

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.



Маълумки, 2023 йил 25 декабрда “Суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республика-

сининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга кўра, жорий йилда туманлараро судлари томонидан биринчи ин-

танция судида кўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибидеа кўриб чиқиш амалиёти жорий этилди.

(Давоми 2-бетда) ►

Шарҳ

Меҳнат шартномасига оид янги нормалар

уларнинг судлар томонидан қўлланишига тааллуқли ҳуқуқий асослар мустаҳкамланмоқда

Янги тахрирдаги Конституцияда ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эгаллиги тўғрисидаги меъёрлар қатъий белгилаб қўйилди.



Мухаббат РАБИЕВА,
Олий суд судьяси

(Давоми 2-бетда) ►

Шарҳ

Меҳнат шартномасига ОИД ЯНГИ НОРМАЛАР

уларнинг судлар томонидан қўлланишига тааллуқли ҳуқуқий асослар мустаҳкамланмоқда

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бу, ўз навбатида, меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни кўришда судлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Статистик маълумотларга кўра, 2023 йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилган меҳнат муносабатларига оид 13 минг 587 та ишдан 8 минг 899 таси, яъни жами даъво аризаларининг 65,5 фоизи қаноатлантирилган.

Бу рақамлар, бир томондан, меҳнат муносабатларига оид низолар кўплигини тасдиқласа, иккинчи томондан, бундай низолар юзасидан даъво аризаларининг қаноатлантирилиш кўрсаткичи юқори эканини яққол кўрсатиб турибди. Ушбу ҳолат иш берувчилар томонидан меҳнат тўғрисидаги қонунчилик нормаларига тўлиқ риоя этилмаётгани, ўз навбатида, бу борада судлар зиммасидаги иш ҳажми салмоқли эканидан далолат беради.

Маълумки, 2022 йил 28 октябрда "Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Эски тахрирдаги Меҳнат кодексига 294 та модда мавжуд бўлса, янги тахрирдаги Меҳнат кодексига 581 та моддадан иборатдир.


Айтиш керакки, янги тахрирдаги Меҳнат кодексига мажбурий меҳнатни таққиллаш, ходимнинг ҳуқуқий ҳолати ёмонлашишига йўл қўймаслик каби муҳим ёндашувлар асосий тамойил сифатида белгиланди.

Шунингдек, янги тахрирдаги Меҳнат кодексининг қабул қилиниши муносабатини суд амалиётида меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган фуқаролик ишларини кўриш жараёнида юзага келиётган муаммоларнинг қонуний ечимини топиш ва бир хил суд амалиётини шакллантириш зарурати туғилди. Шу мақсадда Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги "Судлар томонидан меҳнат шартномаси бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида"ги қарори қайта кўриб чиқилиб, янги тахрирда қабул қилинди.

Янги тахрирдаги Меҳнат кодексига фуқаролик-ҳуқуқий шартномасини тузиш ва ушбу шартнома асосида юзага келган муносабатларни яқка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар деб эътироф этишга оид янги норма киритилганидан келиб чиқиб, Олий суд Пленуми қарорига бир қатор ўзгаришлар киритилди.

Аваало Пленум қарорининг 4-бандида судлар яқка тартибдаги меҳнатга оид муносабат билан фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган муносабатларни бир-биридан фарқлаш лозимлиги, фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузилганда фуқаро ташкилот билан меҳнат муносабатларига киришмаслиги, унинг тарафлари ходим ва иш берувчи эмас, балки ижрочи ва бюртмачи ҳисобланиши;

— шунингдек, янги тахрирдаги Меҳнат кодексига назарда тутилган қафоллар фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномада назарда тутилмаслиги, тарафларнинг муносабатлари Меҳнат кодекси билан



эмас, балки Фуқаролик кодексига билан тартибга солиниши;

— жисмоний шахс билан Меҳнат кодексининг 11-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ тузилган шартнома яқка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар деб эътироф этилиши ҳақида батафсил тушунтиришлар берилди.

Пленум қарорининг 5-бандида ҳарбий хизматчининг меҳнатга доир ҳуқуқларини тиклаш, шу жумладан, хизматга тиклаш тўғрисидаги даъволар "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 45-моддаси ҳамда ушбу қонун билан тасдиқланган "Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Низомнинг 4-моддасига асосан ҳарбий суднинг судловига тааллуқли экани ҳақида тушунтиришлар берилди.

Бу ўз навбатида, суд амалиётида ҳарбий хизматчиларни хизматга тиклаш юзасидан тааллуқлилик масаласидаги тушунмовчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Маълумки, эски тахрирдаги Меҳнат кодексига ишга тиклаш низолари бўйича ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб судга мурожаат қилиш учун бир ой муддат белгиланган эди. Янги тахрирдаги Меҳнат кодексига ишга тиклаш низолари бўйича ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб судга мурожаат қилиш учун бир ой муддат белгиланган эди.

Шу муносабат билан Пленум қарорининг 6 ва 7-бандларида меҳнат шартномаси бекор қилинган кунни ходим иш жойида бўлмагани ёки ҳужжатларни олишни рад этганиги муносабати билан унга меҳнат дафтарчаси ёхуд электрон меҳнат дафтарчасидан кўчирма ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқнинг кўчирма нусхасини бериш имконияти бўлмаган тақдирда, иш берувчи кейинги иш кунидан кечиктирмай ходимга меҳнат дафтарчасини олиш учун келиши ёхуд меҳнат дафтарчаси пошта орқали юборилишига розилик бериши зарурлиги ҳақида билдиришнома юбориши шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, Пленум қарорининг алоҳида бандлари билан меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари мустаҳкамланди. Эски тахрирдаги Меҳнат кодексига ушбу асослар 6 тани ташкил қилган бўлса, айни пайтда улар 11 та эканига эътибор қаратилиб, ҳар битта асосга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Хусусан, суд амалиётида меҳнат шартномасини бекор қилишга эски тахрирдаги Меҳнат кодексининг 97-моддаси (тарафларнинг келишуви билан) ва 99-моддасида

(ҳодимнинг ташаббуси билан) қайд этилган нормалар юзасидан кўплаб низолар келиб чиқарди. Шу сабабли янги тахрирдаги Меҳнат кодексига меҳнат шартномасини тарафларнинг келишуви билан бекор қилишда тарафларнинг келишуви меҳнат шартномасига доир қўшимча келишув билан ёзма шаклда расмийлаштирилиши шартлиги ҳақида янги норма киритилди.

Бундан ташқари ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилгани факти, унинг содир этилишида ходимнинг айби, ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш мақсадида иш берувчи томонидан хизмат текшируви тайинлиши мумкин.

Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги қарордан норози бўлган ходим яқка тартибдаги меҳнат низолари учун белгиланган тартибда судга шикоят қилишга ҳақли эканини ҳақида Пленум қарорининг 31-бандида батафсил тушунтириш берилди.

Шу билан бирга, янги тахрирдаги Меҳнат кодексига ташкилот мулкдорининг алоҳида буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб судга мурожаат қилиш учун бир ой муддат белгиланган эди.

Айтиш керакки, янги тахрирдаги Меҳнат кодексига ташкилот мулкдорининг алоҳида буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб судга мурожаат қилиш учун бир ой муддат белгиланган эди.

Айтиш керакки, янги тахрирдаги Меҳнат кодексига ташкилот мулкдорининг алоҳида буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб судга мурожаат қилиш учун бир ой муддат белгиланган эди.

Жумладан, қонунчиликка мувофиқ, меҳнатга оид муносабатларни даво этишига монелик қиладиган ҳолатлар юзага келгани ҳамда ташкилотни тугатиш ёки иш берувчи бўлган яқка тартибдаги тадбиркор фаолиятини тугатиш тўғрисидаги суд қарорининг қонуний кучга киргани муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби ҳақида Пленум қарорининг 53 ва 54-бандларида тушунтиришлар берилди.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу Пленум қарори судлар фаолиятида ягона амалиётни шакллантиришга қўмак берувчи муҳим ҳужжат сифатида ўзининг самараларини амалда кўрсатади.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Суд қарорларини қайта кўришда вилоят ҳамда унга тенглаштирилган судларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, фуқаролар ва юридик шахсларнинг шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида Фуқаролик процессуал кодексига қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, суднинг ажрими устидан шикоят бериш масаласида янги институт – суд ишларини тафтиш тартибда кўриб чиқиш амалиёти жорий этилди.

Яъни туманлараро, туман (шаҳар) судлари томонидан биринчи босқичда кўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибда қайта кўриб чиқиш ваколати берилди.

Бундай тартиб туфайли судда ҳар бир иш бўйича яққоний тўхтама келиш орқали суд қарорларининг барқарорлиги таъминланиб, фуқаролар ва юридик шахслар овора бўлишининг олди олинади. Эндиликда бу борада юзага келиши мумкин бўлган муаммо ва камчиликларнинг аниқ ечимига қаратилган ҳуқуқий механизмлар яратилмоқда.

Суд ҳал қилув қарорлари ва ажримларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш деганда, шикоят ва билдирилган протест асосида қуйи суд чиқарган ҳал қилув қарорлари, ажримларининг уларга қўйилган талабларга жавоб беришини текширишга қаратилган юқори судда иш юритиши, яъни суд муҳокамаси жараёнига айтилади.

Фуқаролик суд ишларини юритишда ишлар одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, қонун ва суд олдида тенглик, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги каби принциплар асосида амалга оширилади.

Айни тартибнинг қонунда белгиланиши билан одил судловга эришиш имкониятлари янада кенгайтирилди. Бунда биринчи инстанция судининг қароридан норози тарафлар виллоят судига апелляция ёки кассация тартибда шикоят қилиб, уларнинг ҳам натижасидан қониқмасса, ушбу иш мазкур судларда тафтиш тартибда кўриб чиқилади.


Юртимизда ер ва ер ресурслари миллий бойлик ҳисобланади. Шу боис ердан илмий асосланган тарзда оқилона фойдаланиш ва муҳофиза қилиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, табиий муҳитни асраш ва яхшилаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бунинг учун мамлакатимизда мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, ер оид қонунчилик изчил такомиллаштирилиб боришмоқда.

Суд амалиёти шуни кўрсатадики, иқтисодий судларда қўрилатган ишларнинг муайян қисмини ер билан боғлиқ низолар ташкил этади. Мисол тариқасида айтиладиган бўлса, Урганч тумани ҳокимлиги Урганч туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, 2019 йил 28 январда ҳокимлик ва «Исломбек Шарипов» фермер хўжалиги ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни сўраган.

Даъво аризасида фермер хўжалиги агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказмасдан, ерни ўз ҳолига ташлаб қўйган, деган ваъдалар асос сифатида келтирилган.

Моҳият

Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилиги



уларни текшириш тартиби такомиллаштирилди

тиш тартибда кўриб чиқилади. Суд қароридан яна норози бўлинган тақдирда виллоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибда кўриб чиқилган ишлар Олий суднинг судлов ҳайъатида қайта кўриб чиқилади.

Шунингдек, кассация инстанциясининг жорий этилиши келгусида манфаатдор шахслар томонидан қонуний кучга кирган суд ҳужжати устидан шикоят бериш имконини беради. Масалан, суддаги бир тараф ўзи қатнашган иш бўйича қабул қилинган суд ҳал қилув қарори ёки ажримдан кейин қайсидир ҳолатга кўра норози бўлиб қолиши мумкин.

Ушбу ҳолатда шахс апелляция шикояти бериш муддатини ўтказиб юборган бўлади. Аммо энди шикоят келтиришда процессуал ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда кассация тартибда шикоят бериш ҳуқуқи мавжуд бўлади.

Фуқаролик ишини апелляция ва кассация тартибда қайта кўриш – суд процесси иштирокчиларининг суд ҳужжатининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлигини текшириш ҳуқуқини таъминловчи муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланади.

Қонунга мувофиқ, апелляция шикояти (протести) суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичиде берилиши мумкин.

Кассация шикояти (протести) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичиде берилиши мумкин.

Тафтиш инстанцияси биринчи

инстанция судининг апелляция ёки кассация тартибда кўрилган ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ҳамда апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ажримлари устидан берилган шикоятни (протестни) кўриб чиқиш натижаларига кўра:

- ҳал қилув қарорини, ажримни ёки қарорни ўзгаришсиз қолдиришга;

- ҳал қилув қарорини, ажримни ёки қарорни тўлиқ ёхуд қисман бекор қилишга ва янги ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор қабул қилишга;

- ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни тўлиқ ёки қисман ўзгаришга;

- Фуқаролик процессуал кодексининг 372²-моддаси биринчи қисми 4-бандида ва 372²-моддаси иккинчи қисми 4-бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун апелляция ёки кассация инстанцияси судига юборишга;

- ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва ушбу Кодексда кўрсатилган асосларга кўра, ариза кўрмасдан қолдиришга ёхуд иш юритишни тўлиқ ёки қисман тугатишга;

- айрим суд ҳужжатларини бекор қилишга ва иш бўйича илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бирини ўз кучида қолдиришга ҳақли.

Тафтиш инстанцияси судининг ажрими, қарориде баён қилинган қўрсатмалар мазкур ишни янгидан кўраётган суд учун мажбурийдир.

Тафтиш инстанцияси суди у

ёки бу далилнинг ишончилиги ёки ишончсизлиги, айрим далилларнинг бошқаларидан устунлиги, иш янгидан кўрилган тақдирда қандай қарор чиқарилиши кераклиги тўғрисидаги масалаларни олдиндан ҳал қилиб қўйишга ҳақли эмас.

Энди юқори инстанция судларига янада катта масъулият юкляниб, ишни янгидан кўриш учун қуйи судларга юбориш тартибининг бекор қилинган ҳам суд ҳужжатидан норози шахснинг юқори инстанцияга ишончини мустаҳкамлайди.

Шу маънода, янги қабул қилинган Қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишининг ҳуқуқий қафолларини янада кучайтаришга, иш бўйича барча ҳолатлар суд томонидан ҳар томонлама ва тўлиқ текширилишига ҳамда халқимизнинг судларга бўлган ишончининг янада ошишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилиги қайта кўриб чиқишда апелляция, кассация ва тафтиш босқичларининг такомиллаштирилиши фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтиришга қаратилган иш жуда муҳим. Шунингдек, у ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда ҳолис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Бобир ИСЛАМОВ,
Тошкент шаҳар суди раиси ўринбосари – Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси

Фаолият мезони

Тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги судда адолатни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга

да фойдаланилганда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини бекор қилишга асос бўлиши белгиланган. Шунингдек, ушбу модданин 7-бандида ер участкасини оқилона фойдаланилмаганда, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодадаланганда, 8-бандида ер участкасини паст тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар билан фойдаланилган тақдирда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи бекор бўлиши кўрсатилган.

Айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган «Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низомда фермер хўжалиги томонидан шартнома интизоми бузилиши, шунингдек, хўжалик фаолияти самарасиз юритилиши аниқланганда, фермер хўжалигининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини бекор қилишга асос бўлиши белгиланган. Шунингдек, ушбу модданин 7-бандида ер участкасини оқилона фойдаланилмаганда, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодадаланганда, 8-бандида ер участкасини паст тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар билан фойдаланилган тақдирда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи бекор бўлиши кўрсатилган.

Айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган «Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низомда фермер хўжалиги томонидан шартнома интизоми бузилиши, шунингдек, хўжалик фаолияти самарасиз юритилиши аниқланганда, фермер хўжалигининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини бекор қилишга асос бўлиши белгиланган. Шунингдек, ушбу модданин 7-бандида ер участкасини оқилона фойдаланилмаганда, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодадаланганда, 8-бандида ер участкасини паст тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар билан фойдаланилган тақдирда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи бекор бўлиши кўрсатилган.

жалигининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини бекор қилишга асос бўлиши белгиланган. Шунингдек, ушбу модданин 7-бандида ер участкасини оқилона фойдаланилмаганда, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодадаланганда, 8-бандида ер участкасини паст тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар билан фойдаланилган тақдирда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи бекор бўлиши кўрсатилган.

Юқорида қайд этилган фермер хўжалиги фақатгина 2022 йилда пахта ҳосилини 73,5 фоизга баълиб, 2019 йил 18 апрелда «JIRMIZLI GAYRAT» фермер хўжалиги билан тузилган 254-сонли ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни сўраган.

Бу ишда ҳам белгиланган тартибда туман Фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари кенгашининг далолатномаси расмийлаштирилмаган, хулосаси олинмаган ва тақдимнома асосида туман ҳокимига тақдим қилинмаган.

Туман ҳокимлиги ва қишлоқ фуқаролар йиғини вакиллари томонидан имзоланган далолатнома ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисидаги шартномани бекор қилиш ҳақидаги талабномани фермер хўжалиги раҳбари олишдан бош

тортгани акс эттирилган бўлса-да, ушбу талабнома фермер хўжалигига почта ёки бошқа алоқа воситалари орқали юборилмаган. Қолаверса, ушбу талабнома ва далолатнома ҳам Низом талабларига жавоб бермайди.

Устига устак, Хонқа тумани ҳокимлиги томонидан 2021 йил 24 декабрда фермер хўжалигига огоҳлантириш хати берилиб, унда халқ депутатлари туман кенгашининг 2021 йил 15 декабрдаги қарори қабул қилинган, унда фермер хўжалиги билан тузилган ер ижара шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш розилик берилгани қайд этилиб, ажратилган ер майдонидан ихтиёрий равишда воз кечиш таклиф қилинган. Бироқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низом талабларига асосан шартномани бекор қилиш бўйича чоралар кўрилмаган. Шу сабабли суд даъвогарнинг ер ижара шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризасини кўрсатмалардан қолдириш ва ишни кўриш билан боғлиқ суд ҳаражатларини даъвогар зиммасига юклашни лозим топган.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу судларда тарафларнинг тенг ҳуқуқлиги тўлиқ таъминланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, низоларнинг адолатли ва қонуний ҳал қилинишига хизмат қилмоқда.

Нилуфар АЛЛАБЕГРОВА,
Урганч туманлараро иқтисодий суди раиси

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг фуқаролик ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

◀ (Бошланиши 1-бетда)

1-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддаси, Фуқаролик кодексининг 100-моддаси ва «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунининг 34-моддасига мувофиқ ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эканлиги, ҳар ким ўз шахсига доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига, шунингдек, нотўғри маълумотларнинг тўзатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмаган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги, шунингдек, юридик ва жисмоний шахс оммавий ахборот воситасида эълон қилинган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ўзининг шаъни ҳамда кадр-қимматига доғ туширадиган маълумотлар бўйича раддия беришни тахрирдан талаб қилишга ҳақли эканлигига судларнинг эътибори қаратилсин”;

2-бандининг биринчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Қонунларни тўғри татбиқ этиш, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиз эканлиги, ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги кафолатланганлиги, уларнинг ҳуқуқларини амалга оширишлари-га ёрдам беришни ҳисобга олиб, шаън, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги ишларни судлар синчиклаб, пухта кўришлари зарур”;

3-банди: иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Теле-, радио-, видео, кино-хроникал дастурлар ва оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа электрон шакллари тахририяти томонидан олинган раддия ёки жавоб айнан ўша дастур ёки туркумда, келган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай эфирга берилади”;

иккинчи хатбошиси учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

учинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Оммавий ахборот воситаси раддияни, жавобни эълон қилишдан бўйин товласа ёхуд уларни эълон қилиш учун белгилаб кўйилган муддатни бузса, юридик ёки жисмоний шахс даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир”.

8-бандининг учинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Ўзининг шаънига ҳақоратловчи маълумотлар айтилган, шунингдек, тухмаг қилинган, ёлгон ахборотлар тарқатилган фуқаро бундай маълумотларни тарқатган шахсни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139, 140 ва 141³-моддаларига кўра, жиноий жавобгарликка ёки Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40, 41 ва 202²-моддаларига кўра, маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида тегишли органларга мурожаат қилишга ҳақли”.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда уларга бўлган ҳуқуқларни тиклаш (чақириб иш юргизиш) ҳақидаги аризаларнинг судлар томонидан кўрилиши тўғрисида” 1992 йил 13 ноябрдаги 5-сонли қарори:

2-бандининг учинчи хатбошисидаги “энг кам иш ҳақининг” жум-

ласи “базавий ҳисоблаш миқдорининг” жумласига ўзгартирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида” 1998 йил 11 сентябрдаги 23-сонли қарори:

кириш қисмининг биринчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасига кўра” жумласи “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасига кўра” жумласига ўзгартирилсин;

9-банди: биринчи хатбошисидаги “вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар” жумласи “болалар масалалари бўйича комиссиялар” жумласига ўзгартирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги “вояга етмаганларнинг ишлари билан шуғулланувчи комиссияларга” жумласи “болалар масалалари бўйича комиссияларга” жумласига ўзгартирилсин;

26-банди:

биринчи хатбошисидаги “халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими” жумласи “туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шўбалари” жумласига ўзгартирилсин;

иккинчи хатбошисидаги “Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимининг” жумласи “Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шўбаларининг” жумласига ўзгартирилсин;

27-бандидаги “туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимининг” жумласи “туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шўбаларининг” жумласига ўзгартирилсин;

28-бандидаги “халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими” жумласи “туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шўбалари” жумласига ўзгартирилсин;

31-банди:

учинчи хатбошисидаги “вояга етмаганларнинг ишлари билан шуғулланувчи комиссия ва инспекцияларнинг” жумласи “болалар масалалари бўйича комиссиянинг” жумласига ўзгартирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги “вояга етмаганларнинг ишлари билан шуғулланувчи комиссияга” жумласи “болалар масалалари бўйича комиссияга” жумласига ўзгартирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида” 1999 йил 24 сентябрдаги 16-сонли қарори:

ўзбек тилидаги тахрирининг 20-банди биринчи хатбошиси биринчи гапи куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Агар қонунда бошқача тартиб белгилаб кўйилган бўлмаса, ундирув гаровга олувчига топширилган гаров нарчасига гаров тўғрисидаги шартномада белгиланган тартибда қаратилиши мумкин”.

21-бандининг биринчи хатбошисидаги “энг кам иш ҳақининг” жумласи “базавий ҳисоблаш миқдорининг” жумласига ўзгартирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2000 йил

28 апрелдаги 7-сонли қарори:

1-бандининг биринчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Маънавий зарарни қоплаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси, Меҳнат кодексининг 4, 21, 120, 150, 154, 174, 319, 355, 527, 565, 568-моддалари., 1996 йил 26 апрелдаги “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддаси, 2014 йил 6 майдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 113-моддаси, 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 38-моддаси, Фуқаролик кодексининг 11, 99, 100, 163, 1021 ва 1022-моддалари, 1998 йил 29 августдаги “Автомобиль транспорти тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддаси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинишига эътибор қаратилсин”;

6-бандининг биринчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Меҳнат кодексининг 4, 120, 150, 154, 174, 568-моддаларига бинолан суд меҳнат ва (ёки) машғулотлар соҳасида камситишлар, ишга қабул қилиниши қонунга хилоф равишда рад этилиши, меҳнат шартномасини қонунга хилоф равишда ўзгартириши, ишдан қонунга хилоф равишда четлаштириши, меҳнат шартномаси қонунга хилоф равишда бекор қилиниши ёки меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларининг таърифини қонунга хилоф равишда ўзгартириш оқибатида ходимга етказилган маънавий азобларни компенсация қилиш мажбуриятини иш берувчига юклаши мумкин”.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида” 2001 йил 14 сентябрдаги 22-сонли қарори:

1-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 47-моддасига кўра, ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги, ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у қўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдидан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланиши белгиланганлиги, уй-жой қонунчилиги нормаларига риоя қилиш фуқаролар, шунингдек, уй-жой фондини ҳисобга олиш, сақлаш, фойдаланиш ва таъмирлашни таъминлаш ваколати юклатилган давлат органлари, корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун судлар бундай тоифадаги ишларни ҳал этишда масъулиятни янада оширишлари, низоларнинг қонуний кўрилишини тўлиқ таъминлашлари лозим”;

8-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Ер участкалари давлат ёки жағият эҳтиёжлари учун олиб кўйилиши муносабати билан фуқаролар мулкда бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда, мулкдорларга уларнинг танлови бўйича ва тарафлар келишувига кўра, уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган саҳндаги, барча қўлайликлари бўлган, аввалгисига тенг қимматли бошқа турар жой мулк қилиб берилади ҳамда дов-дарахтларнинг бозор қиймати тўланади ёхуд бузилаётган уй (квартира), бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг бозор қиймати, шу-

нингдек, ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати тўлиқ ҳажмда тўланади. Бузилаётган уйнинг (квартиранинг) ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати берилаётган уй-жойнинг ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматида ортқ бўлган тақдирда, бу фарқ мулкдорга компенсация қилиниши лозим, берилаётган уй-жойнинг ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати бузилаётган уйнинг (квартиранинг) ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортқ бўлган тақдирда эса, ушбу фарқ мулкдор томонидан қайтарилиши талаб этилмайди”.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Меҳнат вазибаларини бажариши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашга оид низолар бўйича суд амалиёти ҳақида” 2003 йил 19-декабрдаги 18-сонли қарори:

11-бандининг учинчи хатбошисидаги “энг кам иш ҳақи миқдорининг” жумласи “базавий ҳисоблаш миқдорининг” жумласига ўзгартирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида” 2011 йил 20 июлдаги 06-сонли қарори:

1-банди: биринчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 76-моддасида оила жағиятининг асосий бўлини ҳамда у жағият ва давлат муҳофазасида эканлиги, никоҳ Ўзбекистон халқининг аънавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқчилигига асосланиши, давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратиши кафолатланганлиги боис никоҳ-оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришда судлар зиммасига катта масъулият юклайди”;

куйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин.

“Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризалар судга келиб тушганда судья ҳар бир даъво ариза бўйича тарафлар билан медиация кўришидаги суҳбат ўтказиши кераклигига судьяларнинг эътибори қаратилсин. Бунда судья муайян ишнинг ҳолатларини муҳокама қилмасдан, никоҳдан ажратишнинг салбий оқибатларини, жумладан, фарзандларнинг тарбиясига таъсири, моддий ва муҳаббат ҳолатларини тушунтириши, эр ва хотинни яраштириш чораларини кўриши лозим”.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида” 2013 йил 11 декабрдаги 21-сонли қарори:

5-бандининг учинчи хатбошисидаги “ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик функцияларининг амалга оширилиши халқ таълими муассасалари васийлик ва ҳомийлик бўлимлари зиммасига” жумласи “вояга етмаганларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик функцияларининг амалга оширилиши туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шўбаларига” жумласига ўзгартирилсин;

ўзбек тилидаги тахрирининг 18-банди биринчи хатбошисидаги “ушбу Кодекс” жумласи “Оила Кодекси” жумласига ўзгартирилсин;

32-бандининг иккинчи хатбошисидаги “вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар” жумласи “болалар масалалари бўйича комиссиялар” жумласига ўзгартирилсин;

33-бандининг учинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сонли қарори” жумласи “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 октябрдаги 550-сонли қарори” жумласига ўзгартирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2018 йил 19 майдаги 14-сонли қарори:

3-банди: биринчи хатбошиси куйидаги мазмундаги биринчи ва тўртинчи хатбошилари билан алмаштирилсин:

“Судья аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги, қабул қилиниши рад этиш ёки қайтариш ёхуд судга тааллуқчилигига кўра бошқа судга ўтказиш ҳақидаги масалани ариза судга келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай яқка тартибда ҳал этади. Аризани иш юритишга қабул қилиш, қабул қилиниши рад этиш ёки қайтариш ёхуд ариза судга тааллуқчилигига кўра, бошқа судга ўтказиш тўғрисида ажрим чиқарилади. Аризани иш юритишга қабул қилиниши рад этиш ёки қайтариш, шунингдек, аризани тааллуқчилигига кўра, бошқа судга ўтказиш тўғрисидаги ажримнинг кўчирма нусхаси ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга ариза-чиғри ажрим чиқарилган кундан кечиктирмай юборилади.

Иқтисодий ёки маъмурий суддан ариза ёки иш материаллари судга тааллуқчилигига кўра, келиб тушганда судья ариза ФПК-нинг 189, 190 ва 191-моддаларига кўрсатилган талабларга мувофиқ эмаслигини аниқлаётган, ариза судга келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай даъвогарни (аризачини) камчиликларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисида хабардор қилади ва унга бунинг учун ўн кундан ошмайдиган муддат беради.

Тушунтирилсинки, иқтисодий ёки маъмурий суддан келиб тушган ариза ёки иш материалларидаги камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарнома судьянинг камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги ажрими билан расмийлаштирилади ва ажримда бу камчиликларни бартараф этиш муддати кўрсатилади. Мазкур ажрим даъвогар (аризачи)га ФПК 273-моддасида назарда тутилган тартибда юборилади.

Камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда даъво ариза (ариза) ФПК 195-моддаси, 1-қисмининг 4¹-бандига асосан қайтарилади”;

учинчи хатбошисидаги “ёки қайтариш” деган сўзлари “ёки қайтариш ёхуд аризани судга тааллуқчилигига кўра, бошқа судга ўтказиш” деган жумла билан алмаштирилсин;

иккинчи, учинчи, тўртинчи хатбошилари тегишинча, бешинчи, олтинчи, еттинчи хатбошилари деб ҳисоблансин.

4-бандининг биринчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Аризани қабул қилиниши рад этиш ёки қайтариш ҳақидаги аж-

римнинг кўчирма нусхаси ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга, аризани ёки ишни судга тааллуқчилигига кўра, бошқа судга ўтказиш ҳақидаги ажрим нусхаси эса ариза-чиғри ажрим чиқарилган кундан кечиктирмай юборилади”.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судининг ажримлари тўғрисида” 2019 йил 25 октябрдаги 19-сонли қарори:

3-банди: ўнинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

“ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштириш ёки шахсни шерик жавобгар сифатида ишга жалб қилиш тўғрисида”;

рус тилидаги тахрирининг йигирма бешинчи хатбошиси чиқарилсин;

ўзбек тилидаги тахрири куйидаги мазмундаги ўттиз биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“дарҳол ижро этишга қаратилмаган ҳал қилув қарорининг ижроси таъминлаш ҳақида”;

куйидаги мазмундаги қирқинчи-қирқ биринчи хатбошилари билан тўлдирилсин:

“даъво ариза (ариза)ни судга тааллуқчилигига кўра, иқтисодий судга ёки маъмурий судга кўриб чиқиш учун ўтказиш тўғрисида”;

фуқаролик ишлари бўйича суд иш материалларини судга тааллуқчилигига кўра, иқтисодий судга ёки маъмурий судга кўриб чиқиш учун ўтказиш ва фуқаролик суд иштини юритишни тугатиш тўғрисида”;

рус тилидаги тахрирининг йигирма олти-қирқинчи хатбошилари тегишинча йигирма бешинчи-ўттиз тўққизинчи хатбошилари деб ҳисоблансин;

ўзбек тилидаги тахрирининг ўттиз биринчи-ўттиз саккизинчи хатбошилари тегишинча ўттиз иккинчи-ўттиз тўққизинчи хатбошилари деб ҳисоблансин;

ўзбек тилидаги тахрирининг ўттиз тўққизинчи хатбошиси қирқ иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

рус тилидаги тахрирининг қирқ биринчи хатбошиси қирқ иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

9-бандининг учинчи хатбоши “Арз қилинган талаб” деган сўзлардан кейин “фуқаролик ишлари бўйича судга, иқтисодий судга ёки маъмурий судга” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

11-бандининг тўртинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

“иш фуқаролик ишлари бўйича судга, иқтисодий судга ёки маъмурий судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли иш юритишни тугатиш ҳақида”;

15-банди: ўн саккизинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Суд буйруғини бекор қилиш рад этиш тўғрисидаги”.

куйидаги мазмундаги йигирма олти ва йигирма еттинчи хатбошилари билан тўлдирилсин:

“даъво ариза (ариза)ни судга тааллуқчилигига кўра, иқтисодий судга ёки маъмурий судга кўриб чиқиш учун ўтказиш тўғрисида”;

фуқаролик ишлари бўйича суд иш материалларини судга тааллуқчилигига кўра, иқтисодий судга ёки маъмурий судга кўриб чиқиш учун ўтказиш ва фуқаролик суд иштини юритишни тугатиш тўғрисида”.

йигирма олтинчи хатбоши йигирма саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

Пленум котиби, Олий суд судьяси

Б. ИСЛАМОВ

Н. ХАКИМОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

«Бошланиши 1-бетда»

2-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Судлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 55-моддасининг иккинчи қисми мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий низо хусусиятига эга бўлган ҳар қандай масалаларни, шу жумладан, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан берилган шикоятларни ҳал қилиш ҳуқуқига эгадир”;

6-бандидаги “Конституциянинг 26-моддасига” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасига” сўзлари билан алмаштирилсин;

13-бандидаги “Конституциянинг 53-моддасига кўра” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасига кўра” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг “Суд ҳужжатларини ижро этишга оид қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида” 2009 йил 10 апрелдаги 06/196-сонли қарори:

2-бандидаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддаси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 138-моддаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

12-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Шу билан бирга, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 79-моддасига кўра, ижро ҳужжати ижросини тўхтатиш учун иқтисодий суднинг қарздорга нисбатан аризани иш юритишга қабул қилиш ва тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ажримни ҳам асос ҳисобланиши эътиборга олиниши лозим”;

19-банди биринчи ва иккинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги “туғатиш иш юритувини очиш” сўзлари “туғатишга доир иш юритишни бошлаш” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базиси тўғрисида”ги Қонунини иқтисодий судлар амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2002 йил 4 мартдаги 103-сонли қарори 8-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Бошқа ҳолларда, масалан, шартномаларни тузишда, қонунчиликда белгиланган товарларни (хизматларни) электрон тижорат орқали реализация қилиш ҳолатларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1996 йил 9 августдаги ПФ-1504-сонли Фармонининг 4-бандида белгиланган бартер шартномалари тузилишини тақиқлаш ҳақидаги талаблар инобатга олинмаган бўлса, суд низоини мазмунан кўриб чиқиб, бундай шартномаларни тузишда айбдор мансабдор шахсларнинг интизомий жавобгарлиги масаласини ҳал этади, агар шахсларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланса, жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал этиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади”.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Мулк ихараси шартномасига оид фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг

айрим масалалари тўғрисида” 2011 йил 1 декабрдаги 234-сонли қарори 9-банднинг бешинчи хатбошисидан “Бундай ҳолларда, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш оқибатлари қўлланилади (ФК 116-моддаси)” сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан ҳақамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишларни кўришда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2012 йил 15 июндаги 238-сонли қарори:

21-бандидан “ёхуд жисмоний шахсларнинг” сўзлари чиқариб ташлансин;

21-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Судларга тушунтирилсинки, ИПКнинг 311-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда эса, бундай иш материаллари тааллуқчилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судга ўтказилади. Агар ариза иш юритишга қабул қилинган бўлса, иш материалларини судга тааллуқчилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судга кўриб чиқиш учун ўтказиш ва иқтисодий суд ишини юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқарилади”.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан экспертизага оид қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 261-сонли қарорининг 1-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Иқтисодий судлар суд экспертизаси (бундан буён матнда экспертиза деб юритилади) тайинлаш масаласини ҳал этиш, суд эксперти хулосасини текшириш ва унга баҳо беришда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади), “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 февралдаги 73-сон қарори билан тасдиқланган “Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги намунавий низоми (бундан буён матнда Намунавий низоми деб юритилади), шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилишлари лозим”.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарори:

7-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Агар акциядор аниқ вақтда жамиятнинг ходими бўлиб, меҳнатга оид низо юзасидан иқтисодий судга мурожаат қилган бўлса, бундай даъво аризаси ИПКнинг 311-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда тааллуқчилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судга ўтказилиши, агар даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган бўлса, иш материалларини судга тааллуқчилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судга кўриб чиқиш учун ўтказиш ва иқтисодий суд ишини юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқарилиши лозим”;

9-бандидаги “жамиятнинг” сўзи “ширкатнинг” сўзи билан алмаштирилсин;

17-банднинг биринчи хатбошисидан “ёхуд ИПКнинг 45-моддасида белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда жавобгарни алмаштириш” сўзлари чиқариб ташлансин;

20-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Судлар шуни эътиборга олишлари керакки, йиғилишда иштирок этиб, низоли масала юзасидан қабул қилинган қарорни ёқлаб овоз берган шахс ёки кун тартибига қў-

йилган масала бўйича овоз беришдан ўзини тийган йиғилиш иштирокчиси ушбу қарорни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида судга мурожаат қилганда, унинг талабини қаноатлантириш рад этилиши лозим, иштирокчининг овоз беришдаги хоҳиш-иродаси бузилган ёки хоҳиш иродасини ифода этиш имконияти бўлмаган ҳолатлар, шунингдек, иштирокчини алдаш, зўрлик, қўриқтиш таъсирида овоз берганлиги ҳоллари бундан мустасно”;

20.1-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Жамият иштирокчилари умумий йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас деб топилиши, ушбу қарор асосида тузилган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги ва бошқа ҳаракатларнинг ўз-ўзидан ноқонунийлигини келтириб чиқармайди. Бироқ, ушбу ҳолат манфаатдор шахсни битимларнинг ҳақиқий эмаслиги ва бошқа ҳаракатларнинг ноқонунийлигини низолашиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди”;

20.2-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Жамиятдан чиқиб кетган иштирокчи томонидан умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб қўйилган тақдирда, даъво талаби қаноатлантирилиши рад этилиши лозим, иштирокчининг чиқиб кетиши ва унинг ҳуқуқига тўғридан-тўғри дахлдор бўлган умумий йиғилиш қарори бундан мустасно”;

иккинчи, учинчи хатбошилар учинчи, тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

20.3-бандидаги “иштирокчиси” сўзидан кейин “ёки жамиятга” сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **20.4-банд** билан тўлдирилсин:

“20.4. Умумий йиғилиш қарорининг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги ҳуқуқни ҳимоя қилиш усули қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаганлиги сабабли бундай даъво талаби ҳар қандай ҳолатда қаноатлантирилиши рад этилиши лозим”.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонунчилиги нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 28 ноябрдаги 269-сонли қарори:

16.2-бандидаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида» 2001 йил 12 майдаги қарори” сўзлари ““Лицензиялаш, рұхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни” сўзлари билан алмаштирилсин”;

қуйидаги мазмундаги **17.1-банд** билан тўлдирилсин:

“17.1. Судларга тушунтирилсинки, корпоратив низоларга оид ишлар доирасидаги битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабни кўриб чиқишда, аффилиланган шахс билан тузилган битим ҳамда йирик битим тузиш тартиби қондалари бузилган тақдирда ФКнинг 126-моддаси қўлланилади”.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан видеоконференцалоқа режимида суд мажлисларини ўтказишда процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 28 ноябрдаги 270-сонли қарори 2-банди иккинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги “хўжалик” сўзи “иқтисодий” сўзи билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан фуқаролик қонун ҳужжатларининг даъво муддатига оид нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2015 йил 19 июндаги 282-сонли қарори 8.5-банднинг биринчи хатбо-

шисидидаги “Бундай ажрим устидан шикоят қилинмайди, протест келтирилмайди” сўзлари “Бундай ажрим устидан яқиний суд ҳужжати билан бирга шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин” сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2019 йил 24 майдаги 13-сонли қарори:

8-банднинг тўртинчи-олтинчи хатбошилари қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилари тахририда баён этилсин:

“Ўзаро боғлиқ бир неча талаб бирлаштирилган бўлиб, уларнинг айримлари фуқаролик ишлари бўйича судга бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлса, бундай даъво аризаси ИПКнинг 311-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда тааллуқчилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судга ўтказилади. Агар даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган бўлса, иш материалларини судга тааллуқчилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судга кўриб чиқиш учун ўтказиш ва иқтисодий суд ишини юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Агар ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса, маъмурий судга тааллуқли бўлган бундай неча талаб бирлаштирилиб берилган даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган бўлса, иқтисодий судга тааллуқли бўлган талаб мазмунан кўриб чиқилади. Маъмурий судга тааллуқли бўлган талабни эса, ИПКнинг 311-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда тааллуқчилигига кўра иш материалларини маъмурий судга кўриб чиқиш учун ўтказиш ва унга оид қисми бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқарилади”;

22-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“ИПК 110-моддасининг 1-бандида мувофиқ, агар иш иқтисодий суд, фуқаролик ишлари бўйича суд ёки маъмурий судда кўриш учун тааллуқли бўлмаса, суд иш юритишни тугатади. Яъни, иш судларнинг эмас, балки бошқа органларнинг (масалан, ҳокимлик, нотариус ва бошқалар) ваколатига тегишли бўлганда, шунингдек, билдирилган талаб ҳуқуқни ҳимоя қилишга қаратилган тақдирда иқтисодий суд иш юритишни юқоридаги асосга кўра тугатади. Ишнинг иқтисодий судга тааллуқчилиги ИПКнинг 25 ва 26-моддалари, фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқчилиги ФПКнинг 26-моддаси ва маъмурий судга тааллуқчилиги МСИЮКнинг 26 ва 27-моддалари талабларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Бунда, низоининг судга тааллуқчилиги, ишни кўриш жараёнида ҳам ўзгариши мумкинлигини эътиборга олиш керак. Масалан, бундай ҳолат ишга иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиси бўла олмайдиган шахсларнинг жалб этилиши муносабати билан вужудга келиши мумкин. Бундай ҳолатда иқтисодий суд ИПКнинг 311-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда тааллуқчилигига кўра иш материалларини фуқаролик ишлари бўйича судга кўриб чиқиш учун ўтказиш ва иқтисодий суд ишини юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқарилиши лозим”;

22-банднинг тўртинчи хатбошисидидаги “Банкротлик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 61-моддасининг учинчи қисмига кўра, судгача санация ўтказилишига кредиторларнинг розилиги бўлган тақдирда, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тугатилади” сўзлари ““Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 62-моддасининг учинчи қисмига кўра, судгача санация ўтказилишига кредиторларнинг розилиги бўлган тақдирда, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича

иш юритиш тугатилади” сўзлари билан алмаштирилсин;

22-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Судларга тушунтирилсинки, аниқ бир кредитор ва қарздор ҳисобланган шахслар ўртасида, аниқ шу талаб бўйича берилган қонуний кучга кирган суд буйруғи мавжуд бўлганда, шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича суднинг, иқтисодий суднинг ёки чет давлат ваколатли суднинг аниқ бир тарафлар ўртасида аниқ бир предмет тўғрисидаги ва аниқ бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлганда ҳам ИПК 110-моддасининг 2-бандида назарда тутилган иш юритишни тугатиш учун асос бўлади”;

қуйидаги мазмундаги **261-банд** билан тўлдирилсин:

“261. Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, ИПК 152-моддасининг учинчи қисмига асосан судга тааллуқчилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича суддан ёки маъмурий суддан даъво аризаси (ариза) ёки иш материаллари келиб тушганда, судья даъво аризаси (ариза) ушбу Кодекснинг 149-151-моддаларида кўрсатилган талабларга жавоб бермаслигини аниқласа, даъво аризаси (ариза) судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай камчиликларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисида даъвогарни (аризачини) хабардор қилади ва унга бунинг учун ўн кундан ортиқ бўлмаган муддат беради.

Бунда, “камчиликлар” деганда, ИПКнинг 149-151-моддаларида кўрсатилган талабларга риоя қилинмаганлиги, шу жумладан, белгиланган тартиб ва миқдорда давлат божига ҳамда почта харажатлари тўланмаганлиги ҳам тушунилади.

Ўн кунлик муддатнинг ўтиши, суд ажримни даъвогарга (аризачига) топширилган кундан бошлаб ҳисобланишини эътиборга олиш лозим.

Ажримда кўрсатилган муддатда камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда даъво аризаси ва ва унга илова қилинган ҳужжатлар ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан қайтарилади.

Ажримда кўрсатилган муддатда камчиликлар бартараф этилган тақдирда даъво аризаси (ариза) ёки иш материаллари иқтисодий суд томонидан ИПКнинг 153 ва 162-моддасида белгиланган тартибда иш юритишга қабул қилинади”;

қуйидаги мазмундаги **271-банд** билан тўлдирилсин:

“271. ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра, агар иш иқтисодий судга, фуқаролик ишлари бўйича судга ёки маъмурий судга тааллуқли бўлмаса, судья даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этади. Яъни, иш судларнинг эмас, балки бошқа органларнинг (масалан, ҳокимлик, нотариус ва бошқалар) ваколатига тегишли бўлганда, шунингдек, билдирилган талаб ҳуқуқни ҳимоя қилишга қаратилмаган тақдирда, суд даъво аризасини қабул қилишнинг рад этади.

Агар судья даъво аризаси (ариза)ни иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги масалани ҳал этишда иш иқтисодий судга эмас, балки фуқаролик ишлари бўйича судга ёки маъмурий судга тааллуқчилиги аниқланса, даъво аризаси (ариза)ни ИПКнинг 311-моддасида белгиланган тартибда тегишли судга ўтказилади”;

қуйидаги мазмундаги **321-банд** билан тўлдирилсин:

“321. Судларга тушунтирилсинки, медиация — келиб чиққан низоини тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида ме-

диатор кўмағида ҳал қилиш усули ҳисобланганлиги сабабли даъво аризаси (аризаси) иш юритишга қабул қилингандан кейин низо бартараф этилганлиги (хусусан, даъвогарнинг талаби жавобгар томонидан қаноатлантирилганлиги) муносабати билан медиатив келишув тузишга йўл қўйилмайди. Бундай ҳолатда иш мазмунан кўриб чиқилади, бу ҳақда суд ҳужжатининг асослантирувчи қисмида кўрсатилади”.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд муҳокамасини ошқоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида” 2020 йил 21 февралдаги 4-сонли қарорининг 4-бандидаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасига” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 136-моддасига” сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Иқтисодий ишлар бўйича суд ҳаракатларини ундириш амалиёти тўғрисида” 2020 йил 19 декабрдаги 36-сонли қарори:

3-банднинг 2-кичи банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“юримдик шахсларни ва жисмоний шахсларни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги аризалардан”;

3-банднинг 8-кичи бандидаги “апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан” сўзлари “апелляция ва кассация шикоятларидан” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банд қуйидаги мазмундаги **10-кичи банд** билан тўлдирилсин:

“Арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризалардан”;

15-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Тушунтирилсинки, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар ва уларни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 28 октябрдаги 570-сонли “Жабранувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларга тўланиши лозим бўлган маблағларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низоини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан белгиланган”;

20-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги мазмундаги “Бундай шикоятлар учун давлат бож тўланмайди” сўзлари билан тўлдирилсин.

20-банднинг иккинчи хатбошисидидаги “апелляция, кассация ва назорат шикояти” сўзлари “апелляция ва кассация шикоятлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банднинг биринчи хатбошисидан “(2, 20, 21-бандларидан кўрсатилган шахслардан ташқари)” сўзлари чиқариб ташлансин;

22-бандидаги “апелляция, кассация ва назорат тартибиди” сўзлари билан алмаштирилсин;

23-бандидаги “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари” деган сўзлар “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2017 йил 29 ноябрдаги 45-сонли қароридан 22, 22.1 ва 22.2-бандлар чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

Б. ИСЛАМОВ

Пленум котиби, Олий суд судьяси

Н. ХАКИМОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
Қ А Р О Р ИЎзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг маъмурий ишлар
бўйича айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

◀ (Бошланиши 1-бетда)

муқаддимасидаги “17-моддасига” деган жумла “22-моддасига” деган жумла билан алмаштирилсин;

2-бандининг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

3-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Маъмурий судга маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган бўйича ишлар, жумладан, қуйидаги ишлар тааллуқли:

маъмурий органларнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

маъмурий органлар, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг қонунчиликка мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

маъмурий органлар, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг қонунчиликка мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилганлиги юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

нотариуснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш рад этилганлиги юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

давлат рўйхатидан ўтказиш-ни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар;

МСИЮТКнинг 27¹-моддасида кўрсатилган инвестиция низолари бўйича ишлар;

МСИЮТКнинг 27²-моддасида кўрсатилган рақобат тўғрисидаги ишлар;

маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича ундириш сўзсиз тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжат устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар.

Суд фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган, қонун билан ўзининг ваколатига киритилган бошқа ишларни ҳам ҳал қилади.

Қонунга кўра, ариза ушбу кўрсатилган ариза (шикоят)лар билан бир қаторда мазкур талабларга сабабий боғланишда бўлган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабни ҳам тақдим этишга ҳақли.

Ушбу кўрсатилган талаблардан алоҳида тарзда билдирилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаб тааллуқлилигига кўра, фуқаролик ишлари бўйича судда ёки иқтисодий судда кўриб чиқилиши

лозим.

Маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқса-да, қонунда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судга, иқтисодий ва ҳарбий судга тааллуқлилиги белгиланган низолар бўйича ишлар маъмурий судга тааллуқли эмас.

Агар ариза маъмурий орган бўлмаган корхона, ташкилот, муассаса ҳужжати ҳақиқий эмас, деб топиш ёки унинг мансабдор шахси ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) ғайриқонуний деб топиш тўғрисида берилган талаб ёхуд ариза (шикоят) маъмурий органга нисбатан берилган бўлиб, аммо устидан шикоят берилган ҳаракат меҳнат муносабатларидан келиб чиққан бўлса, бундай талаблар маъмурий суд судловига тааллуқли эмас”;

қуйидаги мазмундаги 31-банд билан тўлдирилсин:

“31. МСИЮТКнинг 27³-моддаси биринчи қисмига кўра, талаб судга тааллуқлилик қоидалари бузилган ҳолда маъмурий судга тақдим этилган бўлса, ариза (шикоят) тааллуқлилигига кўра, фуқаролик ишлари бўйича судга ёки иқтисодий судга кўриб чиқиш учун ўтказилади.

Агар ариза (шикоят) судга тааллуқлилик қоидаларини бузган ҳолда иш юритишга қабул қилинганлиги ишни кўриб чиқиш чоғида аниқланса, маъмурий суд иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судга ёки иқтисодий судга кўриб чиқиш учун ўтказиш ва маъмурий суд ишини юритишни тугатиш тўғрисида ақрим чиқаради.

Аризани (шикоятни), иш материалларини маъмурий суддан тааллуқлилигига кўра бошқа судга ўтказиш тўғрисидаги ақрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Маъмурий суддан тааллуқлилигига кўра бошқа судга ўтказилган ариза (шикоят), иш материаллари ўзига ўтказилган суд томонидан қабул қилиб олинмиши керак.

Ўзбекистон Республикасида судлар ўртасида судга тааллуқлилик тўғрисидаги низоларга йўл қўйилмайди.

Агар ариза (шикоят) икки ва ундан ортиқ талабларнинг биттаси ёки бир нечтаси маъмурий судга тааллуқлилик қоидаларини бузган ҳолда иш юритишга қабул қилинганлиги ишни кўриб чиқиш чоғида аниқланса, суд МСИЮТКнинг 138-моддасига асосан талабларнинг бир қисмини алоҳида иш юритишга ажратиш масаласини ҳал этган ҳолда, тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судга ёки иқтисодий судга кўриб чиқиш учун ўтказиш”;

7-бандининг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

10-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Агар ариза (шикоят) иш юритишга қабул қилинганидан кейин, у судловга тегишлилик қоидалари бузилган ҳолда қабул қилинганлиги аниқланса, суд тегишинча, ишни бошқа маъмурий судга ўтказиш тўғрисида ақрим чиқаради (МСИЮТК 34-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди)”;

12-банди чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 25 октябрдаги

“Маъмурий ишлар бўйича суд ҳаражатларини ундириш амалиёти ҳақида”ги 20-сонли қарорининг:

муқаддимасидаги “17-моддасига” деган жумла “22-моддасига” деган жумла билан алмаштирилсин;

3-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Тушунтирилсинки, маъмурий ишлар бўйича давлат божи куйидагилардан ундирилади:

1) биринчи инстанция судига бериладиган:

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонунчиликка мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

сайлов комиссияларининг ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

давлат рўйхатидан ўтказиш рад этганлик ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товланганлик устидан шикоят қилиш тўғрисидаги;

МСИЮТКнинг 27¹-моддасида кўрсатилган инвестиция низолари бўйича;

МСИЮТКнинг 27²-моддасида кўрсатилган рақобат тўғрисидаги;

маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича ундириш сўзсиз тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжат устидан шикоят қилиш тўғрисидаги;

МСИЮТКнинг 27-моддасида кўрсатилган ариза (шикоят) билан бир қаторда ушбу талабларга сабабий боғланишда бўлган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ариза (шикоят)лардан;

21-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“21. МСИЮТКнинг 219-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси суди қуйидагиларга:

1) ҳал қилув қарорини ўзгартиришга;

2) ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва янги қарор қабул қилишга;

3) ҳал қилув қарорини ўзгартиришга;

4) ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва иш юритишни тугатишга ёхуд аризани (шикоятни) тўлиқ ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;

5) ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юборишга;

6) МСИЮТКнинг 220-моддаси тўртинчи қисми 9-бандида назарда тутилган асос мавжуд бўлган тақдирда, ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга юборишга ҳақли”;

28-банди чиқариб ташлан-

син; **29-банди** қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Биринчи инстанция судининг ажрими, қарори устидан МСИЮТКда назарда тутилган ҳолларда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Биринчи инстанция судининг ажрими, қарори устидан ушбу Кодексда белгиланган қоидалар бўйича берилган апелляция шикояти (протести) ушбу бобда суднинг ҳал қилув қарорлари устидан берилган апелляция шикоятини (протестини) кўриш учун назарда тутилган тартибда апелляция инстанцияси суди томонидан кўрилади.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ажрими, қарори устидан берилган шикоятни (протестни) кўриб чиқиб:

1) ажримни, қарорни ўзгартиришга ёки бекор қилишга;

2) ажримни, қарорни ўзгартиришга ёки бекор қилишга;

3) аризани (шикоятни) қабул қилишни рад этиш ҳақидаги, аризани (шикоятни) қайтариш, иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ажримни бекор қилишга ва аризани (шикоятни) биринчи инстанция судига кўриб чиқиш учун юборишга;

4) ажримни бекор қилишга ва аризани (шикоятни), ишни кўриб чиқиш учун судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга юборишга ҳақли.

Биринчи инстанция судининг ажрими устидан берилган шикоятни (протестни) кўриш натижалари бўйича апелляция инстанцияси суди қарор қабул қилади”.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан маъмурий ишларни апелляция тартибда кўриш амалиёти тўғрисида”ги 2021 йил 20 апрелдаги 15-сонли қарорининг:

муқаддимасидаги “17-моддасига” жумла “22-моддасига” деган жумла билан алмаштирилсин;

3-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Қонунга мувофиқ, суднинг ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) у қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида (МСИЮТК 203-моддаси), берилиши мумкин”;

5-бандининг иккинчи хатбошисидаги “, муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги иш бўйича эса, 24 соат ичида” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

12-бандининг учинчи ва тўртинчи бандлари чиқарилсин;

14-банди тўртинчи хатбошисидаги “Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтириши” деган сўзлардан кейин “ва музокара сўзи” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

21-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“21. МСИЮТКнинг 219-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси суди қуйидагиларга:

1) ҳал қилув қарорини ўзгартиришга;

2) ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва янги қарор қабул қилишга;

3) ҳал қилув қарорини ўзгартиришга;

4) ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва иш юритишни тугатишга ёхуд аризани (шикоятни) тўлиқ ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;

5) ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юборишга;

6) МСИЮТКнинг 220-моддаси тўртинчи қисми 9-бандида назарда тутилган асос мавжуд бўлган тақдирда, ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга юборишга ҳақли”;

28-банди чиқариб ташлан-

син;

29-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Биринчи инстанция судининг ажрими, қарори устидан МСИЮТКда назарда тутилган ҳолларда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Биринчи инстанция судининг ажрими, қарори устидан ушбу Кодексда белгиланган қоидалар бўйича берилган апелляция шикояти (протести) ушбу бобда суднинг ҳал қилув қарорлари устидан берилган апелляция шикоятини (протестини) кўриш учун назарда тутилган тартибда апелляция инстанцияси суди томонидан кўрилади.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ажрими, қарори устидан берилган шикоятни (протестни) кўриб чиқиб:

1) ажримни, қарорни ўзгартиришга ёки бекор қилишга;

2) ажримни, қарорни ўзгартиришга ёки бекор қилишга;

3) аризани (шикоятни) қабул қилишни рад этиш ҳақидаги, аризани (шикоятни) қайтариш, иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ажримни бекор қилишга ва аризани (шикоятни) биринчи инстанция судига кўриб чиқиш учун юборишга;

4) ажримни бекор қилишга ва аризани (шикоятни), ишни кўриб чиқиш учун судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга юборишга ҳақли.

Биринчи инстанция судининг ажрими устидан берилган шикоятни (протестни) кўриш натижалари бўйича апелляция инстанцияси суди қарор қабул қилади”.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Маъмурий ишларни кассация тартибда кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида” ги 2021 йил 27 ноябрдаги 34-сонли қарорининг:

17-бандининг тўртинчи хатбошисидаги “илтимосномасига кўра” деган сўзлар “аризасига кўра ёки ўз ташаббуси бўйича” деган сўз билан алмаштирилсин;

22-банди иккинчи хатбошисидаги “кассация инстанцияси суди ажрими билан” деган сўзлар “ишни кўриб чиқаётган судлов ҳайъати томонидан” деган сўз билан алмаштирилсин;

29-банди қуйидаги тахрирдаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“МСИЮТК 244-моддаси тўртинчи қисмининг 9-бандида назарда тутилган асос мавжуд бўлган тақдирда, ҳал қилув қарорини, қарорни бекор қилишга ва иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга юборишга”.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида” ги 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарори:

муқаддимасидаги “17-моддасига” деган жумла “22-моддасига” деган жумла билан алмаштирилсин;

1-банди биринчи хатбошисидаги “44-моддаси” деган жумла “55-моддаси” деган жумла билан алмаштирилсин;

2-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Маъмурий органлар деганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сонли Фармони билан тасдиқланган республика давлат бошқаруви органлари (вазирликлар, қўмиталар, агентликлар, инспекциялар) ва уларнинг ҳудудий органлари, маҳаллий давлат ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, маъмурий-бошқарув ваколати берилган бошқа органлар, ташкилотлар ва махсус ташкил этилган комиссиялар тушунилади”;

8-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Судлар шуни назарда тутиши лозимки, маъмурий органларнинг қуйидагилар билан боғлиқ қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган шикоятлар ҳам МСИЮТКнинг 23-бобида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади:

бино, иншоот ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, фойдаланишга топшириш, фойдаланиш ва бузишга келишиш ва рухсат бериш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сонли “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий шикоятларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори);

жамоат бирлашмалари, шу жумладан, сиёсий партияларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш, шунингдек, давлат органининг белгиланган муддатда бундай рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаши (“Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 12-моддасининг учинчи қисми, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддасининг учинчи қисми, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 23-моддасининг иккинчи қисми, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддаси);

9-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Давлат ижрочисининг қарори, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан МСИЮТКнинг 23-бобида назарда тутилган тартибда шикоят қилинади”;

10-бандидаги “41-моддаси” деган жумла “45-моддаси” деган жумла билан алмаштирилсин;

13-банди тўртинчи ва бешинчи хатбошиларидеги “даъво” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

21-банди биринчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги “қонун ҳужжатларига”, деган сўзлар “қонунчиликка” деган сўз билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан солиқ қонунчилигини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”-ги 2023 йил 20 февралдаги 3-сонли қарорининг 10-банди биринчи хатбошисидаги “ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати юзасидан низолар,” деган сўзлар чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

Пленум котиби, Олий суд судьяси

Б. ИСЛАМОВ

Н. ХАКИМОВА

Тарих тилсимлари

Нил дарёсини ўлчаган олим

ёхуд Аҳмад ал-Фарғоний кашфиётлари



«Бошланиши 1-бетда»

Олимнинг тўлиқ исми Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғонийдир. Манбаларда унинг фарғоналик эканидан ташқари деярли бошқа маълумотлар сақланмаган. Ал-Фарғоний Фарғона водийсининг Қубо (Кува) қишлоғида туғилган. У кейинчалик халифа Хорун ар-Рашиднинг шарқий ерларидаги муовини, ўғли Абдуллохнинг (бўлажак халифа Маъмун) Марвадаги олимлари гуруҳига бориб қўшилган. Абдуллох 806 йили Марвага ноиб бўлиб тайинланганида бу ерга Мовароуннахр, Хуросон, Хоразмдан олимлар ва истеъдодли ёшларни олиб келган. 819 йили Халифа Маъмун сарой аҳли ва олимлар билан бирга Бағдодга кўчиб келади. Улар

орасида ал-Фарғоний ҳам бор эди. У Дамашқ яқинидаги Касиюн тепалигида жойлашган расадхонада илмий тадқиқотлар ўтказди. Хусусан, 832-833 йилларда Сурия шимолидаги Синжор саҳросида ер меридиани даражасининг узунлигини ўлчашда иштирок этади. Ал-Фарғонийнинг энг йирик кашфиёти 861 йилда Нил дарёси сув сатҳини ўлчовчи қурилмани ихтиро қилганидир. Бу қурилма нилометр деб аталган. У орқали дунёдаги энг узун дарё ҳисоб-китоби аниқланган. Ал-Фарғонийнинг асосий астрономик асари бўлган «Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби» XII асрда Европада лотин тилига икки марта ва XIII асрда бошқа Еврўпо тилла-

рига ҳам таржима қилинган. Шундан сўнг унинг исми Европада «Алфраганус» шаклида кенг тарқалади. Олимнинг ушбу асари асрлар давомида Европа университетларида астрономия фани бўйича асосий дарслик сифатида ўқитилган. Ал-Фарғоний асарининг лотинча таржимаси биринчи марта 1493 йилда нашр этилган бўлиб, у энг қадимги китоблардан ҳисобланади. 1669 йили машҳур голланд математиги ва арабшуноси Якоб Голиус ал-Фарғоний асарининг арабча матнини янги лотинча таржимаси билан нашр этганидан сўнг ал-Фарғонийнинг Европадаги шуҳрати янада ортади. Европа Уйғонинг даврининг буюк намоёндаларидан бири бўлган машҳур олим

Региондан XV асрда Австрия ва Италия университетларида астрономиядан маърузаларни ал-Фарғоний китобларига асосан ўқиган. Ал-Фарғоний номини буюк италиян шоири Данте (XV аср) ва Шиллер (XVIII аср) ҳам ўз асарларида қайд этган.

Европа олимларидан Даламбр, Брокельман, Х. Зутер, И. Ю. Крачковский, А. П. Юшкевич ва Б. А. Розенфельд ал-Фарғонийнинг ижодини юқори баҳолаган. Ҳозирги кунда ал-Фарғонийнинг саккизта асари маълум бўлиб, ҳар хил улар астрономияга тегишли.

М а ш ҳ у р о л и м н и н г «Астурлоб ясаш ҳақида китоб» асари кўлэмлари Берлин, Лондон, Машҳад, Париж ва Техрон к у т у б х о н а л а р и д а , «Астурлоб билан амал қилиш ҳақида китоб»нинг кўлэмза нусхаси Рампур (Ҳиндистон), «Ал-Фарғоний жадваллари» кўлэмзаси Патна (Ҳиндистон), «Ойнинг Ер остида ва устида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола»си кўлэмлари Гота ва Қоҳира, «Қуёш соатини ясаш ҳақида китоб» кўлэмлари Ҳалаб ва Қоҳира кутубхоналарида сақланади.

Хуллас, буюк аждодимизнинг бебаҳо илмий мероси ва кашфиётлари Европа Уйғонинг давридаги ва ундан анча кейинги даврдаги маданият ривожига сезиларли таъсир кўрсатган. Унинг ер юзини етти иқлимга бўлиб, улардаги мамлакат ва шаҳарларни тавсифлагани ҳам муҳим илмий манба ҳисобланади. Иқлимлар тавсифида Марказий Осиё ва унга туташ ҳудудларга кенг ўрин берилган. Аллоҳида таъкидлаш керакки, ал-Фарғонийнинг ер юзи ҳақидаги тасавури анча аниқ бўлиб, ҳар хил афсонавийликдан холи.

Ўрта асрда табиий-илмий билимларнинг ривожига улкан ҳисса қўшган олим сифатида Ал-Фарғонийнинг номи турли тарихий манбалар, Фарб ва Шарқ муаллифлари асарларида ифтихор билан тилга олинган. Ҳозирги пайтда кўчалар, олий ўқув юртлирига унинг номи берилган. 1998 йилда юртимизда аллоҳнинг 1200 йиллик таваллуд санаси кенг миқёсда нишонлангани ҳам буюк олимга нисбатан ҳурмат-эҳтиромнинг юқорилигини далиллатди.

Ҳумоюн НУРҚОБИЛОВ



Ҳаётда баъзи одамлар тез ва осон бойиб кетишни орзу қилади. Фирибгарлар эса, айнан шундай кишиларнинг ишонувчанлиги ва содалигидан устомонлик билан фойдаланади. Айниқса, ҳозирги пайтда интернетдаги фирибгарлик кенг тарқалмоқда.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керакки, интернетдаги фирибгарлик — интернет орқали одамларга тегишли пул, қимматбаҳо буюм ёки мерос каби шахсий мулкларни ўғирлаш, ўмарши, талон-торож қилиш мақсадида ташкиллаштирилувчи алдов турларидан бири ҳисобланади. Интернет фирибгарлиги ағона, ўзига хос жиноят бўлмасда, у кибермақонда содир этиладиган бир қатор ноқонуний ҳаракатларни ўз ичига олади. Фирибгарликнинг ушбу тури ўғирлик жиноятдан фарқ қилади. Чунки бундай ҳолатда жабрланувчи фирибгарга онгли равишда шахсий маълумоти, пул ёки мол-мулкдан фойдаланиш ихтиёрини топширади.

Интернет фирибгарлари одатда, аванс тўлови, бизнес манфаатлар, кардинг, кредит картаси бериш, электрон почта ёрдамида хизмат кўрсатиш, ишга жойлаштириш, форекс, почта ва ўтказмалар, онлайн дорихона, касаллар ва ишқий муносабатлар сингари «хизмат»ларни тақлиф этган ҳолда одамларни «чув» туширишади.

Дунё миқёсида мўмай бойлик илинжида одамларни алдаб, уларнинг мол-мулкларини ўзлаштириб олиш мақсадида турли онлайн дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқилган. Ҳозирда уларнинг янгидан-янги турлари пайдо бўлмоқда. Афсуски, баъзилар машаққатли меҳнат билан толган пулини осонлик билан кўпайтириш мақсадида фирибгарларнинг тузоғига тушиб қолаётганлиги гоётада ташвишланарли.

Ижтимоий тармоқларда АҚШда рўйхатдан ўтган «Unique finance», «Token market», Россияда рўйхатдан ўтган

«River coins ltd» онлайн иловаси «Свой дом» дастурларидан фойдаланиб кўпчилиги кенгайтириш, ноқонуний йўллар билан қўлга киритилган мол-мулк ҳисобидан гуруҳ аъзоларига фойза тариқасида ҳақ тўлашни йўлга қўйган.

Ушган гуруҳнинг қолган аъзолари молиявий пирамидага одамларни омавий жалб қилиш, уларнинг маблағини қўлга киритиш ва уяли алоқа телефон аппаратига гўёки ҳисобидан пул

тузган ҳамда гуруҳ аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаган, фаолият кўламини кенгайтириш, ноқонуний йўллар билан қўлга киритилган мол-мулк ҳисобидан гуруҳ аъзоларига фойза тариқасида ҳақ тўлашни йўлга қўйган.

Ушган гуруҳнинг қолган аъзолари молиявий пирамидага одамларни омавий жалб қилиш, уларнинг маблағини қўлга киритиш ва уяли алоқа телефон аппаратига гўёки ҳисобидан пул

нинг 15000, И.Тоштурдиеваннинг 1800, О.Маҳсумованин 10500, Б.Муродованин 9 000, Ф.Ботированин 1000, У.Ҳакимовнинг 1000, Н.Юсупованин 6300, Н.Расулованин 11600, Д.Нумонованин 1000, М.Жалилованин 46000, Ф.Жасурованин 2400, Р.Шукурованин 12000, М.Дониёрованин 11000, М.Арипованин 10000 АҚШ доллари миқдоридан маблағини «Unique finance» дастури орқали кўпайтириб беришни ваъда қилиб, алдов йўли билан ўзлаштиришган. Бундан ташқари фирибгарлар «River coins ltd» онлайн иловасининг «Свой дом» дастури орқали Г.Тўхтаеванин 6 600, Р.Рўзиеваннинг 11 000, А.Умарованин 6 минг 100 АҚШ доллари миқдоридан маблағини қўлга киритиб, жиноий гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимлашган.

«Қинғир ишнинг қийғи албатта, чиқади» деганларидек, охир-оқибат ушган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, ўзгаларнинг жуда кўп миқдордаги мол-мулкни алдаш ва ишончини суистемол қилиш йўли билан талон-торож қилган Н.Шодмонова ва Н.Жўраевага нисбатан жиноят иши кўзга тилиди.

Ҳаётда ҳеч бир жиноят жазосиз қолмаган. Бу гал ҳам шундай бўлди. Суд судланувчиларни Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми «а,в» бандлари билан айбдор топиб, Н.Шодмонова олти йил, Н.Жўраевага беш йил олти ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Суд ҳукмида жиноят натижасида алданган фуқароларга етказилган зарар миқдори алоҳида қайд этилиб, уни судланувчилардан солидар тартибда ундириш белгиланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ахборот технологияларидан фойдаланишда ҳам ҳушёрлик талаб этилади. Қолаверса, даромад ҳалол меҳнат орқали топилишига баракали бўлади. Шу маънода жабрланувчиларнинг соддалиги ва бойликка ўчлиги фирибгарлик тегириғида сув қўйгани айна ҳақиқатдир.

Темур АЛМАМАТОВ,
жिनоят ишлари бўйича
Каттақўрғон тумани суди раиси
Абдуҳамид Худойбердиев,
«Куч — адолатда» муҳбири



қатнашиш ваъда қилинади. «River coins ltd» ҳам тўлиқ молиявий пирамида асосида ишловчи илова. Унинг мақсади турли дастурлар ёрдамида аъзоларни кўпайтириш орқали пул ўмаршидан иборат.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, каттақўрғонлик Ноила Шодмонова ва Назира Жўраева (исм-шарифлар ўзгартирилган) ижтимоий тармоқларда бундай ёлғон хабар ва эълонлардан ўзларининг фарз мақсадлари йўлида фойдаланишган.

Улар бир гуруҳ шахслар билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктирган ҳолда, ушган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, «Unique finance» дастури орқали катта миқдорда даромад топиш ва уларга ишончи мумкинлиги ҳақида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишган.

ҳамда фозини назорат қилиб бориши учун шахсий кабинет очиб бериш, қўлга киритилган пулнинг ҳисобини юритиш билан шуғулланган. Бунинг эвазига улар муайян миқдорда ҳақ олиб туришган.

Масалан, Н.Шодмонова 2018 йилнинг ноябрь ойида О.Исматилаевни «Token market» дастури орқали катта миқдорда даромад топишига ишонтиради. Натижада О.Исматилаев фирибгарнинг қўлига 13 минг АҚШ долларини тутқазади. Аммо бу маблағни жиноий гуруҳ аъзолари шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборишади. Фирибгарларнинг ўлжасига айланганлардан яна бири Ж.Камолов 2019 йил январь ойида 5 минг АҚШ долларидан айрилади.

Н. Шодмонова ва Н.Жўраева шу тарзда 3.Толипованин 12000, Д.Фодурованин 3000, С.Фодурованин 10 000, Ш.Яшнарованин 26000, Н.Раметованин 31000, С.Жалилованин 30000, Г.Шамсиеванинг 10000, Г.Шарипова-

Қизиқарли фактлар

Адабиётнинг сеҳрли олами, хусусан, ижод аҳлининг ўзига хос жиҳатлари ва бошқалардан ажралаб турадиган хусусиятлари жуда кўп.

Бадиий башоратлар

ёхуд ижодкорларнинг ғаройиб қобилияти

Илм-фан ҳали юксак марраларни забт этмаган, ҳали оламшумул кашфиётлар амалга ошмаган бир пайтда адабиёт намоёндалари ўз асарларида келажакни, ундаги воқеа-ҳодисалар ва ихтироларни тасаввур эта олишган.

Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида тилга олинган темиртан, ойна жохон, «Сабаъи сайёр»да тасвирланган ўзи юрар зиналар орадан асрлар ўтиб ҳаққоний воқеликка кўчди. «Сабаъи сайёр»да шоҳни тахтга олиб чиқариб қўядиган мўъжизакор зинаси ҳақида шундай маълумот берилган:

- Поялар мақамида бўлғай паст,**
- Айлағай бир-бири юзга нишаст.**
- Чун секиз поя қатъ бўлди тамом,**
- Айлағач шоҳ ўз ерида мақом.**
- Яна ул поялар баланд ўлғай,**
- Тахтидин шоҳ баҳраманд ўлғай.**
- Ким, қаён шаҳ бўлур нишотангез,**
- Оз ишорат била юзғай тез.**

Масалан, машҳур француз адиби Жюль Верн ўзининг кўплаб асарларида келгусида амалга ошмажак бир қатор кашфиётларни аниқ-тиниқ тасвирлаган. Суворости кемаси, инсоннинг ойга қадам қўйиши каби кашфиётларни у юз йиллар аввал ўз романларида баён этган.

Таниқли инглиз адиби Герберт Уэлс ҳам жуда кўп илмий кашфиёт ва янгиликларни ўз асарларида акс эттирган. Машҳур америкалик ёзувчи Рей Бредбери 1953 йилда ёзилган «Фаренгейт буйича 451 даража» романида LCD-экранлар, тезорар поездлар, уяли алоқа воситалари, робот хизматчилар ва яна бир қатор замонавий техника воситаларини яққол тасвирлаб берган.

Рус адиблари Борис ва Аркадий Стругацкийларнинг 1965 йилда ёзилган «Асрнинг ёввойи матоҳлари» романида ҳозирда кенг фойдаланилаётган «Blue-tooth» қурилмалари, масофадан эшитиш қулоқчинларини аниқ-тиниқ тасвирланган. Ҳолбуки, ўша пайтларда ҳамларни кўпчилик тасаввур ҳам қилолмаган.

Бугун банк пластик карталари энг қулай тўлов воситасига айланган. Аммо бундан чорак аср аввал юртимизда қандай қилиш учун пасайиб, бир-бирининг устига ётади. Шоҳ 8 пояннинг ҳаммасини босиб ўтиб, тахтга ўтиргач, у зиналар яна баланд кўтарилди. Шоҳ қай тарафга қараб ўтиришни хоҳласа, озгина ишора қилса — тахт ўша тарафга қараб айланади.

Алишер Навоийнинг ушбу асари битилганидан сўнг орадан тўрт асрдан кўпроқ вақт ўтиб, америкалик кашфиётчи Жесс Рено ана шундай моллама — эскалаторни ихтиро қилади. У дастлаб Нью-Йорк паркларида бирида сайёҳлар учун аттракцион вазиғасини ўтаган.

Заҳридин Муҳаммад Бобур ҳам ғайритабиий ҳислатларига эга бўлган ижодкордир. «Бобурнома» асарида бир неча мартаба мушкул вазиятда қолганида Хожа Аҳрор Валий тушига кириб, Яратганнинг раҳамати билан ғойибона кўмаклашгани ҳақида ёзиб қолдирган.

Бундан ташқари Бобур оғир дардга чалинган ўғли Ҳумоюннинг оёққа туриши учун Яратганга ёлвориб дуо қилгани, орадан кўп ўтмай, Бобур дардга чалиниб, вафот этгани, Ҳумоюн шифо бўлиб, яна узоқ йиллар яшагани тарихдан яхши маълум. Бобур ғазалларидан бирида шундай мисралар мавжуд:

Утти эл бўлмоқдин ул ёш, мен қаригум ишқидо,
Ўлганим яхши бу навъ ар ўтса элликдин ёшим.

Ажабланирлиси шундаки, чиндан ҳам, Мирзо Бобур 1530 йилда 47 ёшида вафот этган.

Рустам ЖАББОРОВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори